



Scientific theoretical and legal analysis of increasing the role of political parties in the activities of the representative body of state power

Ikhtiyor BEKOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2023

Received in revised form

15 January 2023

Accepted 25 February 2023

Available online

15 March 2023

Keywords:

political party,
faction,
electoral function,
state representative body,
modernization,
innovation.

ABSTRACT

It is important to strengthen the positions of political parties and expand the scope of their activities in parliamentary activities. The reason, first of all, is that the majority of deputies are candidates represented by political parties. At the same time, the factions of the state representative body also work in accordance with the interests of their electorate and their needs and requests, which allows them to develop pro-people legislative projects and implement them. It should be noted that listening to the requirements and wishes of the population and an adequate response and joint solution to a number of problems in the social sphere with the population will change the attitude towards the activities of political parties and their factions in parliament for the better. This article provides to increase the role of political parties in the socio-political life of the parliament, by analyzing their essence in conjunction with domestic and foreign practices, to identify problems and make specific proposals on them.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss2/S-pp229-235>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрнини такомиллаштиришга оид илмий-назарий ва ҳуқуқий таҳлил

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

сиёсий партия,
фракция,
электорал функция,

Парламент фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрнини ошириш ва уларнинг фаолият доирасини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, аввало, депутатларнинг

¹ Doctor of Law, Professor, Tashkent State University of Law. E-mail: ikhtiyorbekov@gmail.com

давлат вакиллик органи,
модернизация қилиш,
инновациялаш.

кўпчилик қисми сиёсий партиялар тақдим этган номзодлардан ташкил топган. Шу билан биргаликда, давлат вакиллик органи фракциялари ҳам ўз электоратларининг манфаатлари ва уларнинг эҳтиёж ҳамда талабларига мувофиқ иш олиб бориши халқчил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этишга имкон беради. Шунинг таъкидлаш жоизки, аҳолининг талаб ва истакларини эшитиб, муносиб жавоб бериш ҳамда аҳоли билан биргаликда ижтимоий соҳалардаги бир қатор муаммоларни ҳал этиш сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари фаолиятига нисбатан муносабатини яхши томонга ўзгартиради, ҳурматини оширади. Мазкур мақолада, парламент соҳасида сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш, уларнинг табиатини миллий ва хорижий амалиёт билан биргаликда таҳлил қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва уларга нисбатан муайян таклифлар бериш кўзда тутилган.

Научно-теоретический и правовой анализ повышения роли политических партий в деятельности представительного органа государственной власти

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

политическая партия,
фракция,
избирательная функция,
государственный
представительный орган,
модернизация,
инновация.

Важно усилить позиции политических партий и расширить сферу их деятельности в парламентской деятельности. Причина, прежде всего, в том, что большинство депутатов являются кандидатами, представленными политическими партиями. При этом фракции государственного представительного органа также работают в соответствии с интересами своего электората и его нуждами и запросами, что позволяет разрабатывать проработанные законодательные проекты и осуществлять их реализацию. Стоит отметить, что прислушивание к требованиям и пожеланиям населения и адекватное реагирование, совместное с населением решение ряда проблем в социальной сфере изменит отношение к деятельности политических партий и их фракций в парламенте в лучшую сторону. В данной статье предусмотрено повысить роль политических партий в общественно-политической жизни парламента, путем анализа их сущности в совокупности с отечественной и зарубежной практикой, выявить проблемы и внести по ним конкретные предложения.

Янги Ўзбекистонни қарор топтиришга йўналтирилган демократик ислохотларда давлат қурилиши, парламент фаолиятини тубдан модернизация қилиш ҳамда уларни тамомила янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Маълумки, ҳозирги жаҳон тенденциясида жамиятнинг деярли барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш кенг авж олмоқда. Худди шунингдек, ижтимоий соҳаларни инновацион ғоялар билан ривожлантириш ва рақамлаштиришнинг давлат ҳокимиятининг юқори бўғини – парламент қурилиши ва фаолиятига бевосита таъсири мавжуд. Мамлакатни инновацион ривожлантириш дастури доирасида давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим бўғинини – давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асосларини янада модернизация қилиш масалалари ташкил этади. Бугунги тезкор ва шиддатли ислоҳотлар даврида барча давлат ва жамият тузилмалари қатори парламент ва ундаги сиёсий партиялар фракциялари фаолиятининг ҳам самарали усул ва шакллари, уларнинг тегишли янги ҳуқуқий механизмларини қонунчилигимизга жорий қилиш давр тақозоси бўлиб келмоқда. Зеро, сиёсий партиялар фракцияларининг фаол ишлаши учун зарур ҳуқуқий кафолатларнинг яратилиши ва изчил такомиллаштирилиб борилиши давр талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида коронавирус пандемияси туфайли юзага келган таҳлика ва мураккаб вазиятдан чиқиш учун “...ҳуқуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш” [1] муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июль – 2020 йил 20 январдаги нутқларида халқ вакиллари, депутатлар, сиёсий партиялар ҳамда уларнинг фракциялари билан биргаликда ишлаш, республика ва маҳаллий даражада сиёсий партияларнинг ижтимоий соҳада ролини оширишга оид кўплаб эътиборга молик долзарб масалалар ўртага ташланди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари, сиёсий партияларнинг фаолиятини жадаллаштириш масалаларига тўхталиб, “Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади” [2], дея таъкидлади. Албатта, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари изчил давом этаётган бир шароитда ҳокимият вакиллик органлари ва сиёсий партиялар ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, партияларнинг қонунчиликни такомиллаштиришдаги таъсирини оширишга оид бир қанча масалалар ўртага ташланмоқда.

Бир қатор жаҳоннинг ривожланган давлатлари сиёсий партияларининг олий вакиллик органлари фаолиятида иштирокининг ҳуқуқий асосларини модернизация қилиш бўйича тажрибаси ислоҳотларни икки йўналишдан бири бўйича такомиллаштирилиши кераклигини билдирмоқда.

Биринчидан, парламентда сиёсий партия фракцияларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш. Дания, Швеция каби давлатларда Ёшлар парламенти самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу парламент таъсирчан ва халқчил қонунларни ишлаб чиқишда ёшлар муаммоларини ўрганиш, фракциялар ҳузурида ташкил этиш таклиф этилаётган экспертлар кенгашига ёшларни жалб этиш ҳамда сиёсий партияларнинг келгусида парламент мактабига айланиши учун кадрлар захирасини шакллантириш каби мақсадларни амалга ошириш учун тузилади.

Иккинчидан, сиёсий партиялар тузилмаларининг парламент ичидаги баҳс-мунозараларини махсус телеканаллари орқали онлайн жонли эфирга қўйиш. Германия Бундестагида фракциялар ва партия гуруҳлари доимий равишда парламенти фаолиятига оид масалаларни кенг жамоатчиликка етказиб туради. Бундан ташқари, Финляндияда депутатлар гуруҳлари ва партиявий фракцияларнинг семинар-тренинглари, қонунлар лойиҳаларининг муҳокамаси жараёнидаги иштироки телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали доимий тарзда ёритилиб, шарҳловчилар томонидан таҳлил этиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида асосан Жамоатчилик палатаси фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштириш бир қатор вазифаларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ва давлат ривожига қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш сингари вазифалар учун тузилди. Бироқ афсуски, парламент ва унинг фракциялари ўртасида соғлом рақобат, фикрлар ҳамда позициялар хилма-хиллиги деярли мавжуд эмас десак бўлади. Шунингдек, аҳоли орасида сиёсий партияларнинг вакиллик органидаги фаолияти юзасидан асосий эътирозлар депутатлар ўзлари берган ваъдаларнинг устидан чиқиши билан билан боғлиқ. Президент Ш. Мирзиёев тўғри таъкидлаб ўтганидек: “Бугунги кунда-сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз [3]”.

М. Кулова [4], О. Чепунов [5], З. Исраилова [6], М. Хуф, С. Мариен [7] каби бир қатор олимлар вакиллик органлари фаолияти самарадорлигига баҳо бериш бўйича муайян шкалаларни тузиш таклифи этган. Хусусан, З. Исраилова депутатлар фаолияти самарадорлигини баҳолашда: *қонунийлик, шаффофлик, холислик, мустақиллик, ишончлилик, ҳудудлар бўйича таққослаш, ошкоралик* тамойиллари асосида белгилашни таклифи этган [8].

Хорижий мамлакатларда эса депутатлар фаоллик коэффицентини белгилашнинг турли мезонлари мавжуд бўлиб, булар:

- аҳоли билан ишлаш, оммавийлик, ташаббускорлик, интизом [9];
- сайловчиларнинг фикри, қонун ижодкорлиги фаолияти, ОАВдаги фаоллик, экспертларнинг депутат ҳақидаги фикрлари [10].

Қонунчилик палатаси депутатининг палата ва қўмита мажлисларида иштирок этиши, маҳаллий кенгаш депутатининг эса сессия ҳамда доимий комиссиялар йиғилишида иштирок этиши мажбурий сифатида мустаҳкамланган. Бироқ, уларнинг фракция ёки партия гуруҳи йиғилишида иштирок этиши масаласининг ихтиёри ёки мажбурийлиги масаласи очиқ қолдирилган. Бундан ташқари айтиб ўтиш лозимки, фракция аъзоларининг ижро интизоми масаласи бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқ тартибга солилмаган. Яъни фракция аъзоси йиғилишларда сабабсиз қатнашмаса, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида ўз фракцияси позициясига қарши овоз берса, мазкур депутатга нисбатан қандайдир чора кўриладими деган масала аниқмас.

Сиёсий партиялар фракциялари фаолияти самарадорлигини оширишга партия фракциялари томонидан фракция раҳбарий органларини тузиш, фракция иш тартиби ва фракция аъзоларининг (жойлардаги партия гуруҳларининг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби масалалар ҳуқуқий тартибга солинмаган. Бу борада низом ёки регламентларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва аниқ тартиб-таомилларнинг йўқлиги фракциялар фаолиятини тизимли равишда ташкил этишга тўсиқ бўлмоқда.

Хорижий мамлакатлар амалиётида, айниқса, Вестминстр тизими амал қилувчи парламентларда (Буюк Британия, Австралия, АҚШ, Канада), сиёсий партияларнинг фракциялари ижро интизоми учун масъул бўлган алоҳида “фракция мувофиқлаштирувчиси”, “кнут” (Whip) каби лавозимлар ташкил этилиб, улар фракция аъзоларининг йиғилишларда иштирокини назорат қилиш, фракция ички интизомини таъминлаш ҳамда палата мажлисларида фракция позицияси учун овоз беришни ташкил этиш каби вазифаларга масъул ҳисобланади.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, парламентдаги муҳолифат деб ўзини эълон қилган фракцияга алоҳида ҳуқуқ сифатида муҳокама қилинаётган бирон-бир қонуннинг муқобил вариантини киритиш ваколати мавжуд. Шунга қарамасдан, ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракцияга берилган ҳуқуқлар ва кафолатларнинг етарли эмаслиги боис, парламентда қарорлар қабул қилишда уларнинг ўрни деярли сезилмайди. Хорижий давлатларда парламент муҳолифатига кўшимча ҳуқуқ сифатида парламент текширувини ўтказишни талаб қилиш (Германия), ўз вакилларининг мутаносиблик принципи асосида барча кўмиталарга сайланиши (Дания, Туркия), Бюджет кўмита раиси (Буюк Британия, Қирғизистон) ҳамда парламент (палата) раиси ўринбосарларидан бири (Австралия, Словения, Сингапур, Қирғизистон) бўлиши ҳуқуқи кафолатланган. Шунга мувофиқ, парламент таркибида муҳолифат фракцияга алоҳида ҳуқуқ ва кафолатларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ саналади. Сабаби, парламентдаги барча фракцияларида иш олиб борадиган депутатлар аслида халқ вакиллари бўлиб, унинг номидан фаолият юритади. Шу боис, муҳолифат фракциядаги халқ вакилларининг ҳам таклифларини инобатга олиш жамиятнинг камчилик қисмини ташкил этувчи қисмининг манфаатлари ҳам давлат эътиборидан четда қолмаслигини кўрсатиб туради.

Парламентнинг эса қонун ижодкорлик фаолиятида халқнинг, кенг жамоатчиликнинг, сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари муҳим роль ўйнаши лозим. Давлатимиз раҳбари эътироф қилганидек: “Сиёсий партиялар парламентдаги ўз фракцияларини доимий равишда жойлардаги вазият, электоратнинг кайфияти ҳақида хабардор этиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар киритиб бориши [11]” ижобий самараларни таъминлайди. Дарҳақиқат, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда жамоатчилик билан биргаликда ишлаш, уларни қонун ишлаб чиқиш жараёнига интеграциялашишига партия фракциялари ўз электоратларини жалб қилишлари ҳамда кўзда тутилган қонун лойиҳаси ёки қабул қилинган қонун ҳужжатининг жамият манфаатига қандай фойда келтириши ва уларнинг моҳияти ҳақида тушунтириш ва очиқ тренинглар ўтказишлари керак. Шу каби муҳим қадамларни ишлаб чиқиш ва тизимлаштириш учун Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Бирон-бир қонун лойиҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган парламент фракцияси шу қонунни амалга ошириш бўйича

“Йўл харитаси” ни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди [12]”. Бу механизм орқали эса сиёсий партиялар фракцияларининг электорат билан таъсирчан мулоқотни йўлга қўйишга ҳамда қабул қилиниб, амалга киритилган ҳар қайси қонун халқ томонидан қандай баҳолангани, қай бир қонун аҳолига наф келтираётганини, қайси қонун эса ишламаётганини аниқ таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришга тўлақонли асос беради [13].

Сиёсий партияларнинг фаолияти ва ҳуқуқий ҳолатини ўрганишда, уларнинг ижтимоий-сиёсий ролини, дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича фаолият йўналишини очиқ берувчи электорал функцияни муҳим функция сифатида тавсифлаш имконини яратади. Партиянинг электорал функцияси унинг сайлов соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган қонун билан тартибга солинадиган фаолиятини муайян сайлов тартиб-таомиллари, ҳаракатлари, воситалари ва шакллари орқали ифодалайди. Сиёсий партияларнинг мазкур функцияси сайловлар жараёнида партиянинг мақсадлари ва вазифаларини белгилашга, шунингдек, электоратнинг эҳтиёж ва манфаатларини аниқлашга ва акс эттиришга қаратилган чора-тадбирлар, воситалар ҳамда ҳаракатлар мажмуи бўлган электорал сиёсат орқали амалга оширилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // URL: <https://www.xabar.uz/jamiyat/sessiyadagi-nutq>.
2. Сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак // <https://president.uz/uz/2819>.
3. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // URL: <https://old.xs.uz/>.
4. Кулова М.Р. Концептуальные подходы к оценке эффективности законодательной власти региона // Теория и практика общественного развития. – 2015. – №. 24.
5. Чепунов О.И. К вопросу об эффективности парламентской деятельности // Право и государство: теория и практика. – 2009. – №. 7. – С. 139–144.
6. Исраилова З.С. Анализ опыта зарубежных стран в оценке эффективности представительных органов государственной власти на местах в Республике Узбекистан //приоритетные направления научных исследований. анализ. – 2020. – С. 156.
7. Hooghe M., Marien S. How to reach members of parliament? Citizens and members of parliament on the effectiveness of political participation repertoires // Parliamentary Affairs. – 2014. – Т. 67. – №. 3. – С. 536–560.
8. Исраилова З.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. Фалсафа доктори. (PhD) дисс. Автореферати. – Т., 2020.
9. Публичность и инициативность: определены критерии для КРІ депутатов маслихата Алматы /inform.kz https://www.inform.kz/ru/publicnost-i-iniciativnost-opredeleny-kriterii-dlya-kpi-deputatov-maslihata-almaty_a3783010
10. Коэффициент полезности депутатов/ <http://www.deputat.club/sites/default/files/attach/page/6365/kpdgd5.pdf>

11. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. – Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи. – “Халқ сўзи”, 2020 йил 21 январь.

13. “Халқ сўзи”, 2020 йил 21 январь.